Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 2 (2024) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida moliyaning dolzarb muammolari, yechimlari va istiq... DOI: 10.5281/zenodo.24317144

boshlash, shu bilan birgalikda chiqindilarni kamaytirish va ularni qayta ishlab chiqarish bo`yicha start-uplarga rivojlangan davlarda shu yo`nalish bo`yicha tajribaga ega bo`lgan korxonalar bilan iqtisodiy munosabatlarni boshlashini zarur. Shu bilan birgalikda, yangi ekologik texnologiyalar uchun grandlar sonini ko`paytirish va yosh agroixtirochilarning g`oyalarini moliyalashtirish hamda, yosh mutaxasislarni chet davlatlarida amaliyot qilishlari bo`yicha chora tadbirlarni yo`lga qo`yish maqsadga muvofiq bo`ladi. Hukumat tomonidan har bir korxona o’zining hududining 25% iga eko-zona qilishi bo`yicha qonunlar ishlab chiqishini taklif qilinadi. Ekologik muommolar bilan kurashadigan xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlik qilish ham maqsadga muvofiq hisoblanadi, ular bilan birgalikda ishlash; tajriba almashinuvini yo`lga qo`yish orqali mamlakatimizdagi ekologik muommolarini kamaytirb, ifloslanishning iqtisodiyotga ta’sirini kamaytirishga erishish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, ifloshlanishga e’tiborsiz qaramasligimiz kerak, O`zbekistondagi havo iflosligini dunyo reytinglarida yuqori pog’onalarni egallamoqda, bu esa o’z navbatida insonlarning sog`ligiga shu bilan birgalikda iqtisodiyotiga ham ta’srini o`tkizmoqda va buni oldini olishimiz zarur.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ШАРОИТИДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИ

Мирмуминова Муниса Амануллаевна
Андижон машинасозлик институти “Иқтисодиѐт”
мутахассислиги 2-босқич магистранти.
Phone: +99897273687

Аннотация: Мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда аёллар бандлигига алоҳида эътибор берилаётганлиги ва гендер тенглик шароитида аёллар меҳнати давлат ва жамият назоратида эканлиги тўғрисида фикр мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: аёллар бандлиги, гендер тенглик, аёллар ҳуқуқлари, меҳнат кодекси, аёллар иеҳнатидаги имтиёзлар, оналик ва болалик, аёллар дафтари.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ-манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринларини яратиш, меҳнат ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди”.

Гендер тенглиги барқарор ривожланиш соҳасидаги халқаро кун тартибининг стратегик мақсадларидан бири ва узвий қисмидир. Гендер тенглиги тамойили эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятларнинг тўлиқ кафолатисиз инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга эришиш мумкин эмас

Published: 28.03.2024

Cite this article: Мирмуминова Муниса Амануллаевна (2024). Гендер тенглик шароитида аёллар меҳнати. Emro Science and Education, 1(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24317144

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

деган концептуал ғояни ўзида мужассам этади. Ушбу тамойил кўплаб халқаро шартномалар, миллий конституциялар ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Гендер проблематикасини ҳисобга олиш инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолатни қарор топтириш, хотин-к,излар ва эркакларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида (сиёсат, илм-фан, маданият, санъат, таълим, ишлаб чиқариш, технологиялар ва б.) тенг иштироки ҳамда уларнинг натижаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашга ҳизмат қилади. Гендер тенглиги узоқ муддатли институционал ёндашувларни тақозо этади.

БМТнинг 2030 йилгача бўлган Глобал кун тартибининг барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси 2021 йилнинг май ойида давлат идоралари, ННТ, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга оид саккизта вазифани ишлаб чиқди ва «Гендер тенгликка эришиш стратегияси»ни қабул қилди. Унга мувофиқ 2030 йилга келиб хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча гендер тенглиги: ғоядан қонунга қадар даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ҳамда етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш кўзда тутилган.

2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади ҳам хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Мазкур қўлланма Ўзбекистонда гендер тенглиги муаммосини ўрганиш соҳасида муҳим тажрибадир. Унда тақдим этилаётган билим ва компетенциялар янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенглиги проблематикасини глобал ривожланиш, жаҳон тажрибаси ҳамда миллий-тарихий контекстда ўрганишни назарда тутади.

Қўлланмадан гендер тенглиги муаммосининг эволюцияси, тарихий-маданий ретроспективаси, муаммонинг назарий-амалий аспектлари ўрин олган. Хусусан, муаммони ёритишда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш, давлат дастурлари ва стратегияларни режалаштиришда гендер ёндашувни татбиқ этиш, давлат ташкилотларида гендер тенглигини таъминлашга қаратилган корпоратив маданият ва қулай институционал муҳитни яратиш, раҳбар ва мутахассисларнинг гендер тенглиги соҳасида компетентлигини ошириш мазкур қўлланманинг шубҳасиз кучли жиҳати ва ютуғидир. Қўлланма мамлакатимизда фуқаролик ҳамжамиятини барпо этишга қаратилган демократик жараёнлар контекстида муҳим ижтимоий аҳамият касб этади.

Гендер тенглиги барқарор ривожланиш асосларидан биридир. Халқаро миқёсда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDG) гендер тенглиги, аёллар ва қизларнинг имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бошқа

мақсадлар доирасида ижтимоий тенглик масалаларини ўз ичига олади. Хотин-қизлар дунё аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этади, аммо уларнинг кичик қисмигина муносиб иш билан таъминланади ва қарорлар қабул қилиш жараёнида қатнашади.

Сиёсатда ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёлларнинг тўлиқ ва тенг иштирокини таъминлаш ривожланиш учун жуда муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқида: «Биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирамиз», – деб таъкидлади. Бугунги кунда гендер тенглиги масалалари миллий қонунчиликдан ҳам муносиб ўрин олди. 2019 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланди. Мазкур қонун мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган яхлит ва асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Қонунга кўра, гендер хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳатидир. Ушбу ҳужжатда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ушбу соҳада давлат бошқаруви механизмлари белгиланди. Мазкур қонун минг йиллардан буён жамиятда мавжуд бўлиб келган аёл ва эркак ўртасидаги тенгсизлик муаммосини бартараф этишга қаратилган.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг ислоҳотларида инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устунлиги, хусусан, эркак ва аёл ҳуқуқларининг ҳимояси, жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларига аҳамият бериш масалалари кенг ўрин олган. Кейинги йилларда давлат ва жамият бошқаруви соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар ижтимоий ҳаёт равнақига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бўлган эркаклар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларда тенг эмаслиги муаммоларини ўз вақтида бартараф этиш раҳбар ва ходимларнинг менежмент соҳасида ишлашнинг илғор усуллари ҳамда билим ва компетенцияларни ўзлаштирганига боғлиқлигини кўрсатади.

Меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланади, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан

мустаснодир. Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади.

Аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда тасдиқлайди.

Меҳнат қонунчилигига мувофиқ, аёлларни ишга қабул қилиш умумий асосларда меҳнат шартномаси тузиш орқали амалга оширилади. Аммо уларнинг айрим тоифасига қўшимча кафолатлар белгиланиши мумкин. Аёлларни ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, иш берувчи бунинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Бу тоифа аёлларни ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга мутлақо йўл қўйилмайди. Ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг поймол этилган ҳуқуқлари суд томонидан дарҳол тикланади.

Меҳнат қонунчилигида аёллар меҳнати учун турли имтиёз ва кафолатлар белгиланган. Бу имтиёз ва кафолатларнинг барчаси халқаро ҳуқуқий норма, қоидаларга асосланади. Хусусан, “Аёлларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияда аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолият соҳасида эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиши учун барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги таъкидланган. Ушбу Конвенция ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган аёлларнинг ҳуқуқларига оид қоидалар Конституциямизда ва Меҳнат кодекси ҳамда бошқа қонунчиликларда тўлиқ ўз аксини топган.

Ilmiy rahbar: i.f.n., dotsent M.Axunov

Фойдаланилган адабиётлар

1.Конституция Республики Узбекистан // URL: http://www. lex.uz

2. Закон «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» // URL: https://lex.uz/docs/4494849

3. Закон Республики Узбекистан «О защите женщин от притеснения и насилия» // URL: https://www.lex.uz/docs/4494709

AMIR TEMUR IQTISODIY SIYOSATINING AYRIM MASALALARI